# Ўзбегим ғалласи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қолаверса, «Чиллаки»нинг дони таркибида клейковина миқдори 31,4 фоизни, оқсил эса 13,9 фоизни ташкил этадики, шу жиҳатдан у камёб буғдой гуруҳига киради. Шунинг учун ўтган йили кузда республикамизнинг барча вилоятлари далаларига ушбу янги навнинг уруғи сепилган эди. Самара эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

Бундан ташқари, институтнинг тажриба хўжалигида истиқболли ғалла навларидан 12 хили синовдан муваффақиятли ўтди. «Андижон-1», «Андижон-2», «Андижон-3» ва «Қаҳрабо» шулар сирасига киради. Улар нафақат ҳосилдорлиги, балки нонбоплиги жиҳатидан ҳам селекционерлар эътиборини қозонмоқда. Бу йил ана шу янги навлар ҳам деҳқонларга ҳадя этилди.

Энди Андижон вилоятида ғалла етиштириш агротехникаси ҳақида икки оғиз сўз. Гап шундаки, уруғни ерга қадаган билан иш битмайди. Муддаога эришаман, деган деҳқон биринчи навбатда махсус агротехникага қатъий риоя қилиши лозим. Бу нима дегани? Ғалла экиш асосан сентябрь ойининг йигирманчи кунидан бошланиб, 20 октябрга қадар якунланади. Ушбу юмуш икки усулда амалга оширилади. Биринчиси — ғўза қатор ораларига буғдой экиш бўлса, иккинчиси — очиқ усулда, яъни пахта ҳосили йиғиштириб олинган майдонларга уруғ қадашдир. (Кейинги йилларда вилоятда «Андижон технологияси» —плёнка остига чигит экиш шарофати туфайли пахта йиғим-терими барвақт тугалланаётгани учун, айни шу усул бирламчи бўлиб қолди, бу эса ҳар гектар ердан қўшимча равишда 10-15 центнер кўп ҳосил олиш имконини бераяпти).

— Масалан, ғўза қатор ораларига буғдой экишни олиб кўрайлик, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг деҳқончилик ишлари бўйича биринчи ўринбосари Қобилжон Қирғизбоев. — Пахта эрта пишиб, ҳосил икки-уч марта териб олинган, дефолиация тадбири ўтказилган пайкалларда дастлаб ер 15-18 сантиметр чуқурликда культивация қилинади. Бу юмуш 3-4 карра қайтарилади. Сўнгра махсус агрегатлар ёрдамида тупроқ шароитига қараб, ҳар гектар майдонга мос равишда 250-300 килограммдан уруғ сарфланади. Ҳосилдан бўшаган ерлар эса дастлаб ғўзапоядан тозаланади, сўнгра 30-35 сантиметр чуқурликда сифатли шудгорланиб, шундан кейингина дон сеялкалари ёрдамида 3-4 сантиметр чуқурликда чигит экилади. Экиш олдидан, албатта, ҳар гектар ерга физик ҳолда 300-350 килограмм суперфосфат, шунингдек, тупроқ ҳолатини ҳисобга олиб, 80-100 килограмм калийли ўғит солинади.

Шуни унутмаслик керакки, бошоқли дон экинлари 3-5 кунда суғорилиши лозим. Бунинг учун 70-80 сантиметр кенгликда кўндаланг ўқариқлар олиниб, сув йўллари очилади. Асака туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуманноб Парпиевнинг фикрича, суғориш жараёнида ер қорайиши, ёнғоқдек жой ҳам намланиши шарт. Шунингдек, қишгача ниҳол тўлиқ тупланишини истаган деҳқон эса, албатта, гектар ҳисобига яна 25-35 килограммдан соф азотли ўғит ишлатиши зарур.

Айниқса, вегетация даврида майсаларни табақалаштириб озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Айтайлик, эрта баҳордан бошлаб кўчатларнинг найчалаш, бўқоқлаш ва гуллаш фазаларида уларни 2-3 мартадан ўғитлаш талаб этилади. Бунда жами 250-280 килограмм



А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

соф ҳолдаги азотли ўғит сарфлангани маъқул.

Фақат шугина эмас. Октябрь-ноябрь ойларида ҳамда баҳорда пайкалларни ҳаммаси бўлиб 4-5 маротаба суғориш, кўкламда бегона ўт босган далаларни аниқлаб, гербицидлар воситасида ишлов бериш, ҳатто камида 1-2 марта қўл ёрдамида ўтоқдан чиқариш, буғдойзорларнинг чорва ҳайвонлари томонидан пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида карталарнинг четларига тўсиқлар ўрнатиш ҳам фақат фойда келтиради.

Ғалладан юқори ҳосил етиштиришнинг яна бир омили бор: у ҳам бўлса, вилоят миқёсида пишган ҳосилни қисқа муддатда — 20-25 иш кунида нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдир...

Шу тариқа Андижонда ҳақиқий ғаллачилик мактаби шаклланди. Ва бугун бу ерда гектар ҳисобига 80-100 центнердан дон етиштириш одатий ҳолга айланди. Бунга ҳатто ушбу соҳада дунёда машҳур мутахассислар — Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасидаги Лукьяненко номли ғалла уруғчилиги селекцияси илмий-тадқиқот институти олимлари, Осиё Тараққиёт банки экспертлари — американиклар, бошоқли ва дуккакли экинлар селекцияси ҳамда агротехникаси билан шуғулланувчи халқаро «Смит», «Икардо» ташкилотлари вакиллари ҳам тан бердилар. Уларнинг андижонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик ўрнатиш хусусидаги таклифлари бунинг тасдиғидир.

## 4. «Пўшт, дон карвони келаётир»

Ҳар қандай пишиқ-пухта тавсиялар, илмий ечимлар, фармонлару қарорлар бўлмасин, агар уларнинг ижрочилари бўлмаса, бариси қоғозда қолиб кетиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда андижонликлар вилоят бўйича гектар ҳисобига 77 центнердан дон йиғиштириб олганининг ўзи уларнинг шу тоифадаги кишилар эканлигини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Ижрочи деганда, сиз нимани тушунасиз? Бошлиқнинг ҳар бир гапи ёки буйруғига «лаббай!» деб жавоб бериб, ишни уддалаш ўрнига унга хушомад қилишними? Ёки аввал «Бажарамиз! Бажарамиз!» дея муштни кўкракка уриб, кейин ғалвир сувдан кўтариладиган пайт келганда, турли важ-карсонларни рўкач қилган ҳолда сувдан қуруқ чиқишними? Ё бўлмаса, ёлғон маълумотлар асосида ғалаба ҳужжатига имзо чекиб, «катта» олдида «ёз ёмғиридек обрў»га эга бўлишними?

Андижон аҳли буларнинг эскича иллат эканлигини аллақачон англаб, турган-битганини оташкурак орқали борса келмас томонларга ирғитиб юборганларига анча бўлди. Тўғрироғи, улар фермер, оилавий пудратчи, ижарачи сифатида ер эгаси, мулк соҳиби бўлганини сезган, пешона тери тўкиб, ҳақиқий меҳнат қилган одам кам бўлмаслигига тушунган, шу меҳнатига яраша рағбат кўрган дақиқадан бошлаб эл учун, юрт учун ёниб яшашни, сидқидилдан ишлашни ўзларига ҳам қарз, ҳам фарз деб билдилар. Зеро, ўзининг эмас, ўзгаларнинг, Ватаннинг манфаатини ўйлаган одам ҳеч қачон кам бўлган эмас!

— Бу йил 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 95 центнердан дон йиғиштириб олдим, — дейди Асака туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигининг пудратчиси Фурқат Мирзаев. — Давлатга шартномавий режа бўйича топширган ҳосилдан ташқари ўзимга 20 тонна дон тегди. Шундай бўлгач, ишлайди-да одам!

— Бизда хоҳ пахтачилик, хоҳ ғаллачилик бўлсин, айтайлик, плёнка остига чигит экиш, ғўзанинг иқлим ва тупроқ шароитига мос, тезпишар, ҳосилдор навлари, шунингдек, истиқболли ғаалла навларини танлаш, ўстириш ва синаш юзасидан вилоят ва республика бўйича ўтказиладиган ҳар бир тадбирда фермердан тортиб раисгача дарс беради, — дейди Шаҳрихон тумани ҳокими Маҳаммаджон Раззоқов. — Масалан, Тошмуҳаммад Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Ўрмонжон Бозорбоев шу йилнинг ўзида республикамизнинг турли вилоятларидан келган хўжалик раҳбарлари учун далаларда беш марта очиқ машғулот ўтказди. Бизнинг бойлигимиз шуки, одамларимиз меҳнаткаш, фидойи, ташаббускор, ҳисобдон. Қўлга киритилган ютуқларимизнинг асосий омили шу, десам, асло янглишмаган бўламан.

Шунда дафъатан Президентимизнинг 2001 йил 9 июнь куни Қашқадарё вилоятига сафари чоғида андижонликлар тўғрисида айтган мана бу сўзлари ёдимга тушди: **«Андижон вилояти деҳқонлари ҳисоб-китобни аввалдан пухта қилади, яъники, камроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олиш режасини тузади ва шунга эришади ҳам. Меҳнатнинг самара бераётганини кўриш киши руҳини кўтаради, янгиликларни жорий этишга руҳлантиради. Руҳ баланд бўлса, ҳар қандай тоғни талқон қилиш мумкин, аксинча эса, барча режалар ўлда-жўлда қолиб кетади»**.

Ана шу ҳисобдонлик, билимдонлик, тежамкорлик, меҳнатнинг самарасини кўра билиш, янгиликка ўчлик, бундан руҳни кўтара олишдек фазилатлару хислатлар бугун нафақат андижонликлар, балки республикамизнинг барча деҳқонлари ва ғаллакорлари қалбида жўш урмоқда. Аввал Сурхондарё, кейин навбатма-навбат Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Навоий ва Тошкент вилоятларининг ғаллакорлари давлат буюртмасини ошириб бажарганликлари бунинг далолати эмасми?

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунгача мавжуд ғаллазорлардан республикамиз бўйича 4 миллион тоннадан зиёд дон йиғиштириб олинибди. Бу ҳали якуний ҳисобот эмас. Негаки, шу кеча-кундузда ҳам барча минтақаларда ғалла ўрим-йиғими давом этаяпти.

Пўшт! Ана, ғалла ортилган машина ва тележкаларнинг карвони дон қабул қилиш пунктларига пайдар-пай кириб бораётир. Бу — ўзбегим ғалласи, уни ортмоқлаган умидбахш карвондир!

Омборинг донга, дастурхонинг нонга тўлсин, халқим!

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қонун ижросига ким масъул?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман, вилоятда чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналарнинг фақат 10 фоизигина четга маҳсулот чиқараяпти, холос. Қатор туман ҳокимликлари ўз ҳудудидаги қўшма корхоналар фаолияти тўғрисида етарли маълумотга эга эмас. Хорижий сармоядорларни жалб қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланмаяпти.

Қўшма корхоналарнинг ўтган йилдаги фаолияти ўрганилганда, экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми чет элдан олиб келинаётганига нисбатан жуда ҳам оз эканлиги ойдинлашган. Бундан ташқари, йирик корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишга бир мунча аҳамият берилаётган бўлса-да, кичик ва ўрта бизнес субъектларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш суръатлари паст даражада. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, туризм соҳаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш етарлича эмас.

1992-2002 йиллар давомида вилоятда давлат рўйхатидан ўтган 28 та қўшма корхона «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган муддатларда Низом жамғармасини ташкил этмаганлиги ва бошқа сабабларга кўра вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилган. Ва, хўжалик суди қарор чиқариб, қўшма корхоналар тугатилган. Ачинарлиси шундаки, чет эллик инвесторлар зиммаларига олган шартнома мажбуриятларини бажаришлари ва тегишли тўловларни ўз вақтида қоплашлари шартлиги тўғрисидаги талаб ҳам тўлиқ адо этилмаган. Назаримизда, бундай шароитда вилоят иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш анча мушкул иш бўлиб қолаверади.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда юқорида зикр этилган ҳар икки қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш зарурлиги уқтирилди ва қатор тавсиялар берилди.

Кўрилган масала юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Овқатни газда пишириб, газда нон ёпиш, қора ўчоқ ташвишларидан қутулиш Қизилқум саҳросидаги овул бекалари учун ширин орзу эди. Ниҳоят, уларнинг кўп йиллик орзуси ушалди.**

# ҚИЗИЛҚУМ ОВУЛЛАРИДА ГАЗ ЁНДИ

**Навоий вилоятининг энг йирик тумани — Конимех чорвадорлари ҳам табиий газдан фойдалана бошлади.**

**— Хўжалик маркази — Янгиқозғон овулидаги 250 хонадон газлаштирилди, — дейди “Сарибел” қоракўлчилик ширкат хўжалиги раиси Ўрмонбой Кўкенов. — Мустақиллик байрамигача яна 50 оилани табиий газ билан таъминлаймиз.**

**Дарвоқе, туманда ҳукуматимизнинг қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори изчил амалга оширилмоқда. Сўнгги 3-4 йил ичида туман 72,6 фоиз газлаштирилди. Ҳамид Олимжон номидаги, “Шўркўл”, “Сарибел”, “Конимех”, “Чордара” ширкат хўжаликлари, марказий қўрғон тўлиқ газлаштирилди. Қарийб 4 минг хонадонга газ кириб борди. Туман марказидан 150-200 чақирим олисдаги бир неча мактаблар, болалар боғчаларининг иситиш қозонлари табиий газга уланди. Шу тариқа ётқизилган умумий газ қувурлари 200 километрдан ошиб кетди.**

**Конимехликлар Мустақиллик байрамига қадар яна 20 километрлик газ қувури тортиш, 500 хонадонга газ етказиб беришга аҳд қилган.**

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# Кун тартибида иқтисодийислоҳот масалалари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чет эллик сармоядорларнинг корхоналарни қайта қуриш ва замонавийлаштириш бўйича инвестиция мажбуриятларининг умумий қиймати 67,1 миллион АҚШ долларига ва 1790 миллион сўмга етди. Ҳозир қиймати 14,3 миллион АҚШ долларини ва 560 миллион сўмни ташкил этувчи ишлар бажарилди.

Шу билан бирга, мажлисда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзкимёсаноат” акционерлик компанияси, “Ўзбектрансқурилиш” давлат уюшмаси, “Ўзагромашсервис” уюшмаси, бошқа вазирлик ва идоралар раҳбарларининг эътибори мавжуд ресурсларни сотиш ҳамда хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида амалий чоралар кўрилмаётганига қаратилди.

2002-2003 йилларда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурига мувофиқ асосий саъй-ҳаракатлар меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, хомашё, моддий кредит ресурслари ва инвестициялардан фойдаланишни кенгайтириш, кичик улгуржи савдони ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес объектларининг хомашё ва моддий ресурслардан фойдаланишини кенгайтириш, тадбиркорлик соҳаси учун кадрларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 июлида 224,1 мингта кичик ва ўрта бизнес корхонаси рўйхатга олинган. Уларнинг 200,1 мингтаси ёки 89,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Биринчи ярим йилликда 26,7 мингдан ошиқ кичик ва ўрта бизнес корхонаси ташкил этилган (ўсиш суръати 1,7 марта). Бунга корхоналарни рўйхатга олиш тартиби анча соддалаштирилгани ёрдам берди.

Фаолият юритаётган фермер хўжаликлар сони 67,9 мингтани, юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлар сони эса 15,4 мингтани ташкил этди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 198,9 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар миқдори 87,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу 2001 йилнинг 1-ярим йиллигида берилган кредитларга нисбатан 1,2 марта кўпдир.

Январь-июнь ойларида кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари 40 миллион АҚШ долларига тенг хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаш учун қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда ҳокимликлар ва бошқа давлат ташкилотлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини бузиш ҳамда уларнинг маблағларини жалб қилиш ҳоллари рўй бераётгани, бундан буён бундай ҳолатларга йўл қўймаслик зарурлигига эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

*Кўргазма*

# ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

***Сирдарё вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ўзининг биржа марказида янги кўргазма ташкил этди. Унда кичик нон цехи, сув қадоқлаш, иситиш, электр қозонлари, жўжа очиришга мўлжалланган мўъжаз инкубаторлар, сауна ускуналари, макарон ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар намойиш этилмоқда.***

— Бу кўргазма узлуксиз ишлайди. Уни ташкил этишдан асосий мақсад вилоятдаги тадбиркорларга қулайлик яратишдан иборат, — дейди бошқарма бошлиғи Мансур Бобоев. — Аввалари битта асбоб харид қилиш учун ё Тошкентга, ё бошқа мамлакатдаги фирмаларга мурожаат қилишга тўғри келарди. Эндиликда тадбиркорлар Италия, Югославия, Германия, Швейцария, Польша, Россия ва бошқа ўнлаб мамлакатларда ишлаб чиқарилган минглаб асбоб-ускуналарни вилоятдан ташқарига чиқмай харид қилишлари мумкин. Биржа марказидаги каталоглар ёрдамида улар дунёнинг исталган мамлакатидаги кичик техника ва технологиялар учун буюртма беришлари ҳамда қисқа муддатда харид қилишлари мумкин. Бу ерда нафақат олди-сотди савдоси, балки харид қилинган техникани қандай ишлатиш ва ундан қандай фойдаланиш тўғрисида керакли маслаҳатлар берилди. Ўйлаймизки, тадбиркорларимиз бундай имкониятдан кенг фойдаланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янада кўпайтирадилар.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Чинозликлар муваффақияти

**Чиноз тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажардилар. Қайта ишлаш корхоналарига 16650 тоннадан зиёд сара ғалла топширилди. Ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган ҳосил 45 центнерни ташкил қилди. “Дўстлик”, “Эшонобод”, Собир Раҳимов номли, “Гулзоробод” ширкат хўжаликларида эса 47-50 центнердан юқори хирмон уйилди.**

**— Ғаллазорларда 11 “Кейс” русумли ва бир неча Россия комбайнлари эртаю кеч ишлатилганлиги боис давлат буюртмаси 20 иш кунида уддаланди, — дейди туман ҳокими Ўткир Абдураҳимов. — Соҳадан 164 миллион сўм соф фойда олиш кўзда тутилмоқда. Далаларда ҳали ғалла кўп. Ўрим-йиғим давом этмоқда.**

**Ҳ. КАРИМОВ.**

# «Ўздунробита»: Янги стандартлар сари

***Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиёда биринчи уяли алоқа компанияси — «Ўздунробита» қўшма корхонаси республикамиз мустақиллигининг тенгдоши ҳисобланади. 10 йилдан буён бу компания телекоммуникациялар бозорида муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқда. У ишни 1992 йили NMT-450 стандартидаги уяли алоқа станциясини жорий этишдан бошлаган эди. Модернизациялашнинг кейинги босқичларидан ўзаро AMPS/TДМА ва рақамли DAMRSни жорий этиш орқали янги стандартларга ўтгач, айниқса, корхона ҳайратомуз натижаларга эришди. Бинобарин, у республиканинг барча вилоятларини уяли алоқа билан мумкин қадар тезроқ таъминлашга қарор қилгандир.***

***Биз компаниянинг ривожланиш истиқболлари хусусида қўшма корхонанинг маркетинг ва реклама маркази директори Т. Ф. ЭРҒОЗИЕВ билан суҳбатлашдик.***

**— Тоҳир Файзуллаевич, Интернет тармоғида «Ўздунробита» қўшма корхонаси GSM-1800/900 стандартида қурилиш қилиш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун лицензия олганлиги, шу муносабат билан ускуналар етказиб бериш юзасидан Швециянинг ERICSSON компанияси билан шартнома тузганлиги ҳақида хабар пайдо бўлди. Мана шу ахборотни Сиз қандай шарҳлай оласиз?**

— «Ўздунробита» қўшма корхонаси GSM-1800/900 стандартида уяли алоқа хизмати кўрсатиш учун лицензияни 2002 йил 1 мартда Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигидан олган. Шундан кейин компаниямиз дарҳол Швециянинг ERICSSON компанияси билан Ўзбекистонда GSM-1800/900 стандартидаги мобил алоқанинг янги тармоғини қуриш учун шартномалар тузди. Режамизга кўра, янги тармоқнинг биринчи навбати 2002 йилнинг сентябрида, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги тантаналари кунларида ишга туширилиши керак.

Етказиб бериш комплектига мобил коммутация маркази, базавий станциялар назоратчиси, уй регистри, замонавий базавий станциялар, радиореле тизимининг ускуналари киради. Швеция ва Хитойдан ускуналарнинг дастлабки туркуми етиб келди. Ҳозирги пайтда уларни ўзимизнинг мутахассисларимиз хорижликлар билан ҳамкорликда тез суръатларда монтаж қилмоқдалар.

**— Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: янги тармоқни ишга туширишга қандай эҳтиёж бор?**

— «Ўздунробита» техник мутахассисларининг ижодий фикри-зикри доимий равишда компания ишини яхшилаш, абонентларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш учун янги йўллар ва имкониятларни излаб топишга қаратилган. Компания AMRS/DAMPS стандартларида ишлар экан, тармоқни кенгайтириш ва реконструкция қилиш билан тинмай шуғулланди. Базавий станциялар, ретрансляторлар ва репитерлар, алоқа бўйича радиореле линияларининг кенг шохобчаси қурилди. Доимий объектларда замонавий ускуналар ишга туширилди. Улар тўхтовсиз модернизация қилинаяпти. Янги технологик тизимлар жорий этилмоқда, улар сигналнинг тарқатилиши ишончли бўлиши ва сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Биз абонентларга хизматларнинг тўлиқ пакетини тақдим этишни истаймиз. Ҳозирги мобил дунёда эса халқаро автомат роуминг хизматига эҳтиёж катта. Хизматнинг бу тури GSM стандартида яхшироқ амалга оширилган, шунинг учун ҳам биз мазкур стандартда ёнма-ён тармоқни йўлга қўйишга қарор қилдик.

**— Эҳтимол, янги тармоқни қуришга туртки берган бошқа сабаблар ҳам бўлгандир?**

— Компания кам сарф-харажат билан самарали, юқори натижаларга эришуви мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак. Бундан ташқари, ривожланиш стратегияси аввалдан айнан яхши натижаларни, келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган, тегишли амалий тадбирлар мана шу ўзанда амалга оширилмоқда.

GSM-1800 стандарти катта шаҳар-мегаполисларда фойдаланишда самарали ҳисобланади. GSM-900 эса аҳолиси кам, аммо майдони катта минтақаларни алоқа тармоғи билан самаралироқ қамраб олади. 2,5 миллиондан кўпроқ аҳолиси бўлган Тошкент шаҳри ён-атрофидаги туманлар билан биргаликда мегаполис ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Тошкентда GSM-1800, аҳоли зичлиги камроқ бўлган вилоятларда эса GSM-900 ни ривожлантиришга қарор қилинди.

**— Американики деб аташаётган AMPWD/AMPS стандартларининг ижобий хусусиятлари кўп. У мобил алоқа учун янги стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳуқуқига даъвогар бўлиш борасида анча-мунча далилий ва юридик асосларга эгадир. Бироқ Европанинг GSM стандарти, яъни ҳаракатчан алоқанинг глобал тизими ҳам бор. Мана шу стандарт ҳақида нималар дея оласиз?**

— GSM стандарти 10 йил кейинроқ пайдо бўлган ва кўплаб энг янги фан-техника ютуқларини ўзида мужассамлантирган. Бу нафақат прогноз мафкураси, муваффақиятли амалий ишланмалар ва саноат ишлаб чиқариши билан, балки ривожланиб бораётган интеграция ва телекоммуникациялар тармоқларининг глобаллашуви, электрон ахборотлашувнинг иқтисодиёт, фан ва маданиятнинг юксалишига тобора ўсиб бораётган таъсири билан ҳам боғлиқдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу стандартда аввал бошданоқ халқаро автомат роуминг тизими жойланган.

**— Ҳозирги пайтда телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан кўплаб машҳур компаниялар шуғулланмоқда. Ускуналарни етказиб берувчиларни танлаш қандай кечаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ускуналарни дунёга машҳур Швециянинг Ericsson ва Хитойнинг Huawei компаниялари етказиб бермоқда. Мазкур компанияларни танлаш қунт ва синчковлик билан олиб борилган ишлар натижаси бўлди. Дастлаб телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарадиган ва етказиб берадиган бир қатор компаниялар билан музокаралар олиб борилди. Таъминотчиларни танлаш «Талаб этилаётган сифатдаги ускуналар етказиб беришда биз учун қайси компания энг яхши шарт-шароитни тақдим этади?» деган оддий тамойил асосида ўтказилди. Тошкент шаҳри учун мўлжалланган марказий ва базавий станцияларнинг ускуналари етиб келди ҳамда «Ўздунробита» қўшма корхонаси мутахассислари Ericsson ва Huawei компанияларининг маслаҳатчилари иштирокида уни монтаж қилишмоқда.

**— Компаниянинг янги тармоғи қурилиши қандай бормоқда?**

— «Ўздунробита» қўшма корхонаси уяли алоқа янги тармоғининг қурилиши айни пайтда бир нечта майдончада олиб борилмоқда. Тошкент ва Самарқанддаги марказий ва базавий станцияларнинг ускуналари, шаҳарларнинг турли ҳудудларидаги стандартнинг ишончли алоқаси билан таъминланиши лозим.

«Ўздунробита» қўшма корхонасининг учинчи тармоғи жорий йилнинг сентябридан ишлай бошлайди ҳамда мустақилликнинг 11 йиллиги шарафига мамлакатимиз ва халқимизга яхши армуғон бўлади.

**— Бундан аввалги иккита тармоқ — AMPS ва DAMPS стандартлари сақланиб қоладими?**

— Ҳа. Пировардида хизматлар сервиси пасаймайди, балки мана шу технологияларнинг мавжуд ресурсларидан янада самарали фойдаланиш ҳисобига кучайиб боради.

**— Дарвоқе, сервис ҳақида. Янги тармоқ учун сервис ҳам янги, қандайдир бошқачароқ бўлса керак?**

— Бизда сервис ҳозир ҳам кўпгина хусусиятлари ва хизмат кўрсатиш сифатига кўра ажралиб туради. У бундан кейин ҳам ривожлантирилади. Янги стандарт абонентларига хизмат кўрсатиш «Ўздунробита» компанияси офислари ва пунктларининг ҳозирги мавжуд ва яхши ривожланган тармоғини қамраб олади.

***Ёзнинг икки ойи ўтади ва Ўзбекистон телекоммуникацияларининг замонавий хизмат бозорига «Ўздунробита» қўшма корхонасининг янги GSM тармоғи чиқади. Минглаб абонентларга юқори сифатли янги хизматлар таклиф этилади.***

***Компанияда яна бир стандартни ўзлаштириш йўли танланди. Бу йўл Ўзбекистонда уяли алоқа соҳасида етакчи сифатида эътироф этилган «Ўздунробита» қўшма корхонаси олдида янги уфқлар очмоқда. Демак, республика иқтисодиётини ривожлантиришга телекоммуникациялар қўшаётган ҳисса янада салмоқли бўлади.***

**Анатолий КУДИНОВ.**

СПОРТ МИЛЛАТ ҒУРУРИ

# МАЙДОН

МАҲОРАТ МАТОНАТ

Якка курашлар жозибаси

***Ана шу оралиқда қанча масофа, нечта мамлакат борлигини жуғрофия ёхуд статистика ихлосмандлари аниқ билишар балки. Аммо ҳозир биз учун муҳими у эмас. Аксинча, асрлар давомида тинчлик элчиси, дея эътироф этиб келинаётган спортнинг ҳар қандай олислик ўртасида кўприк вазифасини ўтай олиши хусусида.***

гирдларининг ҳар бири ўз вазнида дунёнинг энг кучли боксчилари саналишади. Улар орасида, айниқса, ёш Русланнинг имкониятлари чексиз.

Лас-Вегасдаги беллашувкинчи ўрин "Алпомиш"чиларга насиб этган бўлса, учинчи ўринни "Билол" жамоаси каратэчилари эгаллашди.

Ушбу турнир учинчи бор уюштирилиб, анъана туси-



## ҚАРШИДАН ЛАС-ВЕГАСГАЧА...

Суратдагиларни дарров таниганингизга шубҳамиз йўқ. Сидней олимпиадаси қаҳрамони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпионлари Руслан Чагаев ва Қувонч Тайганбоевлар профессионал бокс оламида ҳам ўз сўзини айта бошлаганидан ғуруримиз чексиз бугун. Улар шу йилнинг август ойида Лас-Вегасда навбатдаги жангларини ўтказишади. Пойтахтимиздаги "Динамо" спорт мажмуида ўтказилаётган тайёргарлик машғулотларига барчага маълуму машҳур мутахассис Кени Адамс раҳбарлик қилмоқда. Мураббийнинг сўзларига қараганда, айни пайтдаги шо-



ларнинг фурсати етгунга қадар Қарши шаҳрига юзланамиз. Бу ерда якка курашларнинг яна бир жозибали тури — каратэ бўйича йирик мусобақа ниҳоясига етди. Қашқадарё вилоят ҳокими соврини учун ташкиллаштирилган баҳсларда 680 нафар ёш спортчи иштирок этди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни мезбонлар — "Қарши" клуби вакиллари қўлга киритишди. Иккни олди. Унинг яна бир аҳамияти шундаки, беллашувлар ёш иқтидорларни кашф этишда муҳим босқич вазифасини ўтаяпти. Аввалги йиллардаги турнир ғолиблари бугун халқаро майдонда ҳам яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Шунинг учун ҳам Қаршида кашф этилган спортчи вақти келиб Лас-Вегас ёки Лондонда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз байроғини кўтаришига шубҳамиз йўқ.

**Озод РАЖАБОВ,**
**"Халқ сўзи" шарҳловчиси.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



## Жаҳон спорти янгиликлари

### Каспаров ҳамон пешқадам

Россиялик шахматчи Гарри Каспаров жаҳон шахмат рейтингида ҳамон биринчи ўринни эгаллаб турибди. 1 июлгача унинг очкоси 2838 га етди. ФИДЕ таснифига кўра, иккинчи ўрин яна бир россиялик шахматчи Владимир Крамникка берилган. Унинг ҳисобида 2807 очко бор. Учинчи ўринда ҳиндистонлик Вишванатан Ананд қайд этилди. Унинг тўплаган очколари 2743 тани ташкил этади. Кейинги ўринларни англиялик Майкл Адамс, болгариялик Веселин Топалов, украиналик Руслан Пономаревлар эгаллашган. Биз учун муҳими, ушбу шахматчиларнинг кучли йигирматалигига ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам киритилган.

### Ақл соҳиби зўрми ёки ақл маҳсули?

12 октябрь куни Баҳрайн давлатида россиялик шахматчи Владимир Крамник «Дип фриц» компьютер дастури билан учрашув ўтказиши лозим. Маълумотларда келтирилишича, ушбу компьютер бир сонияда 4 миллионта юришни таҳлил қила олади. Бу дастур икки ҳафтадан сўнг, танишиб чиқиш учун шахматчига тақдим этилади.

— Инсон ўзининг янги имкониятини кўрсатиши лозим. Бунинг учун тафаккур маҳсули бўлган компьютерни мағлубиятга учратиш керак бўлади. Бу вазифани уддалашимга кўзим етади, — дейди В. Крамник.



### Тестью теннис билан хайрлашади



**Франциялик теннисчи Сандрин Тестью профессионал фаолиятига якун ясашини маълум қилди. Айни пайтда 30 ёшда бўлган спортчи фарзанд кўришни ният қилган. 2000 йил дунё таснифида 9-ўринга кўтарилган Тестью ўтган ҳафта Уимблдон турнирида ҳам иштирок этди. Аммо иккинчи даврага келиб мағлубиятга учради ва баҳсларни тарк этди.**

**Замира АҲМЕДОВА.**



### Футболчини сотишдан кўрилган фойда...

Франциянинг «Ланс» клуби мисрлик ярим ҳимоячи Муҳаммад Баракат билан музокаралар бошлаш ниятида. Франция томони бу футболчи учун 1 миллион доллар миқдорида трансфер баҳосини таклиф этмоқда. Французлар учун бу маблағ унчалик ҳам баланд эмас. Чунки, жаҳон чемпионати якунига етгач, «Ланс» жамоаси сенегаллик Диуфни сотиш эвазига 14 ярим миллион доллар фойда кўрган. Вақтида 500 минг долларга олинган Диуф эндиликда 15 миллионга сотилди.

### Чарм тўпнинг иқтисодиётга кўмаги

Жанубий Корея бош вазири Чон Ен Чер билан футбол бўйича жаҳон чемпионати якунига бағишланган суҳбат эълон қилинди. Вазирнинг маълумотларига қараганда, XVII жаҳон чемпионати Корея учун 14 миллиард доллар миқдорида фойда келтирган. Қолаверса, футбол баҳона мамлакатда 10 та замонавий стадионнинг қурилиши, сайёҳлик борасида янги йўналишнинг пайдо бўлиши бу фойданинг қўшимчалари ҳисобланади. Чемпионат сабабли мамлакатда 356 минг ишчи ўрни пайдо бўлди. Бу рақам эса чемпионатнинг энг катта иқтисодий кўмаги сифатида эътироф этилиши мумкин.

### Ҳар бири 250 минг доллардан олади

Жаҳон чемпионатида ярим финалга етиб келган Жанубий Корея терма жамоаси футболчилари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланадиган бўлди. Мамлакат футбол федерациясидан тарқатилган хабарларга қараганда, ҳар бир футболчи 300 миллион вон, яъни 250 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот олади. Хабарингиз бор шу пайтгача футболчиларни маблағ билан рағбатлантириш борасида турли фикрлар илгари сурилаётган эди. Футбол федерациясининг қарори билан бу муаммо 250 минг доллар миқдорида ҳал этилди. Тўртинчи ўринни эгаллаган жамоа учун бу маблағ, ҳар қалай кам эмас, назаримизда.

**Мусулмон ЭЛМУРОДОВ тайёрлади.**

### ҲИКМАТ

*Қачонким*
*шод эсанг*
*ғамгина*
*раҳм эт,*
*Агар султон*
*эсанг мискина*
*раҳм эт.*

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда



***Оила педагогикаси хазинаси яна бир қўлланма билан бойиди. Республика «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари М. Абдужабборова, М. Ёқуббекова, С. Ғойибназароваларнинг «Момом айтган ўгитлар» деб номланган рисоласи нашрдан чиқди. Унинг рангли муқовасида тикиб-чатиб ўтирган ўзбек аёли — она сурати эътиборингизни ўзига тортади.***

## Азалий ва абадий ўгитлар

Рисоланинг ўзи ҳам, сўзи ҳам дилбар. Чунки, унда Она сўзлари жамланган. Шу сабабли китобнинг биринчи саҳифаларидан ўқувчи болалигини, меҳрибону кайвони момоларининг чеҳрасини элас-элас кўргандай бўлади. Бир лавҳада Тозагул момо шундай дейди: «Айланайин, ой болам! Бўйларингга бўй тумор, кўзларингга кўз тумор! Илоҳим ой бахтли, олтин тахтли бўлгин, қўшганинг билан қўша қаригин! Ҳайдаганларинг қўй бўлсин, чайнаганларинг мой бўлсин, умрларинг узоқ бўлсин! Талпинтириб ўғил суйинглар, қиқирлатиб қиз суйинглар».

Бу ўгитларни ҳар биримизнинг бувимиз, момомиз айтган. Муаллифлар Тозагул момонинг турли ҳолат, вазиятларда айтган ўгитларини самимий, табиий баён қилишган. Миллий тарбиямизнинг нақадар бой маҳзанга эгалигини ҳам илмий, ҳам миллий ёндашувлар уйғунлигида очиб беришган.

Рисола жондан азиз, асалдан лазиз, киприкларининг орасида асраётган қизидан невара кутаётган оқила оналарни хушнуд қилади. У тарбиявий шеърлар, мақолалар билан зийнатланган. Уни Қарияларни қадрлаш йилига аталган муносиб туҳфа дейиш мумкин.

**Ҳусниддин НОРҚУЛОВ,**
**Марҳабо МУҲАММАДИЙ.**

Божхона бекати

## Қоидабузарлар ушланди

Давлат божхона қўмитаси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талаблари сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида, унга жиддий эътибор бермоқда. Натижада шу кунгача 600 га яқин божхона қоидалари бузилиши ҳолати аниқланиб, яширин равишда олиб келинаётган 430 миллион сўмликка яқин халқ истеъмол товарлари ушлаб қолинди.

Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бошқармаси қошида тузилган тезкор гуруҳ томонидан ўтказилган тадбирлар жараёнида Тошкент тумани ҳудудидаги дала йўллари орқали Қозоғистон Республикасидан мамлакатимизга кириб келишга уринган автомашина қўлга олинди. Автомашинага Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган 27 хилдаги 41 ярим миллион сўмлик халқ истеъмол товарлари юкланган экан. Ҳайдовчи Қобил Зоидов маълум ҳақ эвазига ушбу маҳсулотларни яширинча чегарадан олиб ўтишга келишгани аниқланди.

Сирдарё вилоятида ўтказилган тезкор тадбир натижасида ҳам яна бир автомашина тўхтатилди. Унга ҳам 11 миллион сўмлик ҳеч қандай ҳужжатсиз чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар юкланган экан. Айни пайтда ушбу ҳолатлар бўйича суриштирув ва тезкор қидирув ишлари олиб борилмоқда.

**А. ТИЛОВОВ,**
**Давлат божхона қўмитаси матбуот бўлими бошлиғи.**


САВОЛ БИЗДАН...

Ўзбекистонда энг йирик канал қачон қурилган, узунлиги қанча?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
*1919 йилда шаҳарга Фарғона номи берилган.*



QUICK STOP
GROUP OF COS.

«QUICK STOP PAPER MILL»
«НАМБУМ» ЛТД .ҚК

*Ўрамли, кенглиги 84 см. ва 42 см. бўлган юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади.*
*Ҳар бир боғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./м² қоғозлар:*
*А-3 — 8400 сўм, А-4 — 4200 сўм.*
*Шунингдек, ўқувчилар дафтарларини ишлаб чиқаради ва 1 донасини 45 сўмдан сотади.*
***Маҳсулотларимизни харид қилинг, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчисини қўллаб-қувватланг!***

**Манзиллар:**
Наманган шаҳри, «Қурувчилар» кўчаси, 50-уй.
Телефон: (369 22) 2-14-83, факс: (369 22) 2-69-35.
Тошкент шаҳри, Маҳатма Ганди кўчаси, 44-уй.
Телефон: 132-02-22, факс: 136-30-37.
**Омбор манзили:**
Тошкент шаҳри, «Проектная» кўчаси, 44-уй.
Телефон: 79-74-04, факс: 79-79-91.
5982/1362



«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» УЮШМАСИНИНГ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН
«БОБУР»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



йигирув корпусини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга хорижий йигирув ускуналарини кредит бўйича сотиб олиш учун тендер эълон қилади.

**Инвестицион лойиҳа қўшма корхона шаклида амалга оширилиши керак.**

**Ташкил этиладиган қувватлар: пневмомеханик усул билан 14-15 минг тонна Nм 34 (Ne 20) метрик рақамли йигирилган ип тайёрлаш.**

**Лойиҳани молиялаштириш томонларнинг устав фондига қўшган улуши ва хорижий банклар кредити ҳисобига амалга оширилиши лозим.**

**Ҳамкорлар қўшма корхона ташкил этишда устав фондига жиҳозларнинг аванс баҳоси, банкларнинг комиссион ва фоиз тўловлари, қисман айланма маблағлар, ишлаб чиқариш майдонларини тайёрлаш бўйича чиқимлар, маркетинг ҳамда маҳсулотнинг 80 фоизидан кам бўлмаган қисмини экспорт қилиш учун маблағ қўядилар.**



Тендерда иштирок этишни ва тендер ўтказиш бўйича низомни олишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
**700100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй,**
«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг
Ташқи иқтисодий алоқалар ва қўшма корхоналар ташкил этиш бошқармаси. **Телефон: 53-10-33.**

**Тендер иштирокчиларининг лойиҳа бўйича техник ва иқтисодий тавсифлари мазкур эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.**
6028/1422



**«MAKSIMA» мебель салони**

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

**«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси**

хонадонингиз, ҳовлингиз, ландшафт дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

*Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.*

*Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.*

*Манзилимиз:*
*Кунаев (Саперная) кўчаси, 46-уй.*
*Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94.*
*E-mail: maxima@online.ru*



5787/972


Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоалари бастакор ва дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти, профессор

**Наби ХАЛИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг «Ўздаверлойиҳа» институти жамоаси, ушбу институтнинг Қорақалпоғистон бўлинмасининг директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган муҳандис ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган муҳандис

**ДАВЛЕТОВ Исатай Куленовичнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг қариндош-уруғларига таъзия билдиради.

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси жамоаси «Нефтгеология» унитар корхонаси директорининг ўринбосари Чўли Шеровга қизи

**Феруза ШЕРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Енгматтижмарказ» акционерлик жамияти жамоаси жамият бошқаруви раиси Абдумажид Музраповга волидаи муҳтарамаси

**МУАЗЗАМХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

«Енгматтижмарказ» акционерлик жамияти жамоаси жамият тижорат бўлими бошлиғи Жалолиддин Рауповга волидаи муҳтарамаси

**НОРЖОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти жамоаси болалар касалликлари кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди Дилбар Қурбоновага волидаси

**ЛУТФИЯ ҳожи онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**



**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**



**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 677,
28078 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Қ. ЭШМАТОВ.**
Навбатчи — **У. ФАЙЗИЕВА.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**· МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.20.*
1 2 3 4 5 6